

VI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

1- БЎЛИМ. ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ВА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ Сони


2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, транспорт соҳасида 16 813 корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) фаолият кўрсатмоқда. 2023 йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг сони 1 050 бирликка ёки 5,9 % га камайган.

Транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари, 1 октябрь ҳолатига, бирликда)

Таҳлил қилинаётган даврда “Ташиш ва сақлаш” фаолияти билан шуғулланувчи жами корхона ва ташкилотлар таркибида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши доимий равишда 98,6 % даражасида сақланиб қолмоқда.



Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари, бирликда)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида “Ташиш ва сақлаш” фаолияти билан шуғулланувчи янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 2 038 бирликка етди. Янги ташкил этилган транспорт корхоналари ва ташкилотларининг умумий корхоналар сонидagi улуши 3,2 % ни ташкил этди.

2- БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТРАНСПОРТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ¹⁾

Транспорт статистикаси бу – транспортда содир бўладиган ҳодисалар ва жараёнларни ўрганадиган статистика соҳасидир. Транспорт статистикаси кўрсаткичлари транспортнинг алоҳида турлари бўйича маълумотларни: темир йўл, автомобиль, шаҳар электр, қувур йўли ва ҳаво маълумотларини ўз ичига олади.


Юк ташиш (юк ташиш ҳажми) – транспорт орқали ташилган юкларнинг тонналардаги миқдори (пуллик багаж ва почтани қўшган ҳолда). Кўрсаткич транспорт турлари, қатнов, юк турлари бўйича ҳисобга олинади. Юкларни ташиш жараёнининг дастлабки дақиқаси “жўнатилган юклар (жўнат иш)” кўрсаткичи билан акс эттирилади, якуний нукта – “келиб тушган юклар (келиб тушиши)” кўрсаткичи ҳисобланади.

Барча транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмасининг ҳажми ва ўсиш суръатлари (январь-сентябрь, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатлари)

2020 йилнинг январь-сентябридан то 2024 йилнинг шу даврига қадар юк ташиш кўрсаткичлари бўйича ўсиш қайд этилди.


Юк ташиш бўйича барча кузатилаётган транспорт турлари орасида автомобиль транспортининг улуши устунлик қилади (1 021,7 млн тонна). Темир йўл орқали 55,9 млн тонна юк жўнатилган. Қувур йўли орқали 45,5 млн тонна газ ташилди. Юк ташиш бўйича нисбатан паст кўрсаткич ҳаво транспортида қайд этилди – 9,0 минг тонна.

Юк ташиш ¹⁾ ҳажми, млн тонна, ўсиш суръати, % да **Юк айланмаси ¹⁾** ҳажми, млн. т –км, ўсиш суръати, % да



¹⁾ Графикда ва кейинги ўринларда 2020-2023 йиллар учун аниқлик киритилган маълумотлар келтирилган.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби (январь-сентябрь, % да)




2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий юк ташиш ҳажмининг салмоқли қисмини автомобиль транспорти – 91,0 % ни, бошқа транспорт турларининг улуши эса – 9,0 % ни ташкил этди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, юк айланмасининг умумий ҳажмида қувур транспортининг улуши 36,1 %, темир йўл транспорти 34,6 %, автомобиль транспорти 29,0 %, ҳаво транспорти 0,3 % дан иборат бўлди.

Транспорт турлари бўйича юк айланмаси таркиби (январь-сентябрь, % да)

2023 йилнинг мос даврига нисбатан кўриб чиқиладиган даврда юк айланмасининг умумий ҳажмида айрим транспорт турлари улуши ўзгарди, хусусан: қувур йўл ва ҳаво транспортлари бир хил даражада қолиб, темир йўл транспорти – 1,3 % га камайди, шу билан бирга, автомобиль транспорти улуши 1,3 % га ўсиши қайд этилди.




Ташилган йўловчилар – маълум вақт давомида автомобиль воситаларида турли қатнов турлари бўйича ташилган йўловчилар сони (статистик кузатув бирлиги бўлиб йўловчи-қатнови ҳисобланади).

Йўловчи айланмаси – транспортнинг йўловчи ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги йўловчи-километр ҳисобланади. Ҳар бир ташиш бўйича йўловчилар сонини ташиш масофасига кўпайтмасини йиғиндиси орқали аниқланади. Қатнов турлари ва бошқа белгилар бўйича алоҳида ҳисобланади.

Барча транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмасининг ҳажми, ўсиши (камайиши) (январь-сентябрь)



Бир нафар йўловчини ўртача ташиш масофаси (км)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча транспорт турларида бир нафар йўловчи ташишнинг ўртача масофаси 23,7 км.ни ташкил этган бўлса, 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида бу кўрсаткич 23,7 км, 2022 йилнинг мос даврида 23,3 км, 2021 йилда 22,6 км, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида эса 22,4 км.ни ташкил этган.


Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркиби (январь-сентябрь, % да)

	Йиллар	2020	2021	2022	2023	2024
		Автомобиль	99,2	98,2	97,9	97,2
Электр		0,7	1,6	1,9	2,5	3,9
Темир йўл		0,1	0,1	0,1	0,2	0,1
Ҳаво		0,0	0,1	0,1	0,1	0,1

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркибида автомобиль транспортининг улуши 95,9 % ни ташкил этди. Бу эса 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 пунктга, 2022 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 2,0 пунктга камдир.

Барча транспорт турларида йўловчи ташишда, шаҳар электр транспортининг улуши 3,9 % ни ташкил этди.

Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи айланмасининг ўсиши (камайиши), % да (январь-сентябрь)



2020 йил давомида асосий транспорт турлари бўйича йўловчи айланмасининг ўсиш суръатига коронавирус пандемияси билан боғлиқ чекловлар таъсир кўрсатди. 2020 йилда йўловчи ташиш ҳажмларининг қисқариши, айрим ҳолларда эса уларни бутунлай тўхтатилиши барча транспорт турлари бўйича ўсиш суръатларининг пасайишида намоён бўлди. 2021-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи айланмасининг юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. 2024 йилнинг кўриб чиқилаётган даврида автомобиль транспортида йўловчи айланмасининг ўсиш суръати – 103,9 %, темир йўл транспорти – 104,4 %, ҳаво транспортида ўсиш – 1,2 марта ва шаҳар электр транспортида – 1,6 мартага юқори ўсиши қайд этилди.

Автомобиль транспорти – юридик ва жисмоний шахслар иштирокидаги саноат ва технологик мажмуа бўлиб, у йўловчилар, багаж ва юкларни, шу жумладан почта алоқасини (кейинги ўринларда йўловчилар, багаж ва юкларни) автотранспорт билан таъминлашда иқтисодиёт ва аҳолининг эҳтиёжларини қондиради.

Автомобиль транспорти йўловчи ва юкларни ташишда ҳам муҳим роль ўйнайди. 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида автомобиль транспортида юк айланмаси ҳажми 1 365,4 млн т-км.га ошиб, 16 856,0 млн т-км.ни ташкил этди ёки 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 8,8 % га ўсиш қайд этилди.

Автомобиль транспортида юк ташиш ва юк айланмасининг ҳажми, ўсиши (камайиши) (январь-сентябрь)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунига кўра, автомобиль транспортида 1 021,7 млн тонна юк ташилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юк ташиш ҳажми 5,1 % га ошган. 2023 йилнинг тегишли даврида юк ташиш ҳажми 4,1 % га, 2022 ва 2020 йилларнинг шу даврида ўсиш суръатлари 106,2 % ва 102,0 % ни ташкил этиб, 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида мос равишда 0,7 % га камайиши кузатилди.

Автомобиль транспорти юк айланмасида 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида – 120,2 % га юқори ўсиш суръати қайд этилган бўлиб, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича 1,6 % га пасайиш қайд этилди.

**Автомобиль транспортида йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси
ҳажми, ўсиши (камайиши)
(январь-сентябрь)**

Йўловчи ташиш

■ Ҳажми, млн йўловчи
● Ўсиши (камайиши), % да



Йўловчи айланмаси

■ Ҳажми, млн йўловчи-км
● Ўсиши (камайиши), % да




2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида автомобиль транспортида жами 4 830,6 млн йўловчи ташилиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 104,7 % ни ташкил этди. 2023 йилнинг январь-сентябрь ойдарида ташилган йўловчилар сони 4 613,6 млн йўловчини ташкил этиб, ўтган йилнинг январь-сентябрь ойларида нисбатан ўсиш суръати 104,8 % дан иборат бўлган. 2022 йилнинг мос даврига кўра 103,0 % ни ташкил этди. 2021 йил шу даврда 109,7 % га, 2020 йил эса 13,2 % га камайиш қайд этилди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари якунига кўра, автомобиль транспортининг йўловчи айланмаси ҳажми 102 333,9 млн йўловчи-км (2023 йилнинг мос даврига нисбатан 103,9 %), 2023 йилда эса 98 536,4 млн йўловчи-км (104,9 %), 2022 йилда 93 965,3 млн йўловчи-км (102,3 %), 2021 йилда 91 872,7 млн йўловчи-км (109,1 %), 2020 йилда 84 247,7 млн йўловчи-км (89,2 %) ни ташкил этган.

**Автомобиль транспортида юк ва йўловчи айланмасининг
ўсиши (камайиши), % да (январь-сентябрь)**


Юк айланмаси



Йўловчи айланмаси



Автомобиль транспортида юк ва йўловчи
ташишнинг ўсиши (камайиши), % да (январь-сентябрь)



Худудлар кесимида автомобиль транспортида йўловчи ташишнинг
ҳажми ва ўсиши (2024 йил, январь-сентябрь)



Худудий маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, республика бўйича автомобиль транспортида йўловчи ташишнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон ва Фарғона вилоятларининг улуши салмоқли ўринни эгаллайди (умумий ҳажмдаги улуши 55,6 %).

Қорақалпоғистон Республикаси шунингдек, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилди.

Темир йўл транспорти (темир йўл) – умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири ҳисобланиб, унинг таркибига кирувчи корхоналар, муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадлар учун ташкилотлар билан ягона ишлаб чиқариш-технологик комплекс бўлиб, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро муносабатларда ташишга бўлган эҳтиёжни таъминлайди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида темир йўл транспортида 55,9 млн тонна юк жўнатилиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101,0 % ни ташкил этди.

2023 йилнинг мос даврида темир йўл транспорти орқали ташилган юklar ҳажми 55,3 млн тоннани ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 100,6 % ўсиш суръати қайд этилди. 2022 йилнинг мос даврида 55,0 млн тонна (ўсиш суръати 102,9 %), 2021 йилда 53,4 млн тонна (ўсиш суръати 103,1 %), 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 51,8 млн тонна (ўсиш суръати 99,2 %) юк жўнатилган.

Темир йўл транспортида жўнатилган юklar ва юк айланмасининг ҳажми ва ўсиш суръатлари (январь-сентябрь, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатлари)

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида мазкур транспортда юк айланмаси ҳажми 20 105,2 млн т-км дан иборат бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 100,0 % ни ташкил этган. 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида юк айланмаси 20 104,9 млн т-км (ўсиш суръати 105,1 %), 2022 йилда 19 121,6 млн т-км (103,3 %), 2021 йилда 18 516,8 млн т-км (104,4 %) ва 2020 йилнинг январь-сентябрида 17 743,7 млн т-км (100,0 %) ни ташкил этган.

Агар 2023 йилнинг мос даври билан таққослайдиган бўлсак, темир йўл транспортида юк айланмаси 0,3 млн т-км га ошиб, 20 105,2 млн т-км га етди. Шу билан бирга, йўловчи айланмаси 127,2 млн йўловчи-км га ошиб, 3 048,5 млн йўловчи-км ни ташкил этди.

Юк ташиш



Юк айланмаси



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида ўртача суткалик ҳисобда темир йўл транспортида жўнатилган юк 203,9 минг тоннани ташкил этди. Ўртача бир тонна юк жўнатиш масофаси 359,9 км.ни ташкил этди ёки 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 1,0 % га пасайиш қайд этилди.

Темир йўл транспортининг юк ва йўловчи жўнатиш кўрсаткичлари, (январь-сентябрь)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида темир йўл транспортида жами 7,3 млн йўловчи жўнатилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,2 % ўсиш қайд этилди. 2020 йилнинг мос даврида пандемия сабабли йўловчилар сонининг кескин пасайиши қайд этилган (73,2 % га).

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида темир йўл транспорти йўловчи айланмаси ҳажми 3 048,5 млн йўловчи-км (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 104,4 %), 2023 йилда – 2 921,2 млн йўловчи-км (ўсиш суръати 111,9 %), 2022 йилда 2 611,4 млн йўловчи-км (115,8 %), 2021 йилда 2 254,2 млн йўловчи-км (195,6 %), 2020 йилда – 1 152,6 млн йўловчи-км (65,3 % га камайиш)ни ташкил этган.

Темир йўл транспортида жўнатилган йўловчилар ва йўловчи айланмаси ҳажми (январь-сентябрь)



Магистрал темир йўл транспортига ортилган
асосий турдаги юклар кўрсаткичи
(2024 йил, январь-сентябрь)

	Ҳажми, минг тонна	Жами ҳажмга нисбатан улуши, % да	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, % да
Юклар – жами	55 869,0	100,0	101,0
<i>шундан:</i>			
кўмир	4 833,5	8,7	108,1
нефть юклари	5 114,0	9,2	100,1
турли рудалар	7 172,4	12,8	97,6
қора металл	774,6	1,4	81,0
қора металл парчалари	503,5	0,9	77,8
кимёвий ва минерал ўғитлар	2 993,8	5,4	108,2
қурилиш юклари	3 488,4	6,2	96,4
цемент	1 241,5	2,2	78,0
ёғоч юклари	28,5	0,0	119,7
дон ва ёрмалар	754,8	1,4	71,5
картошка, сабзавот ва мевалар	103,4	0,2	71,1
пахта толаси	3,7	0,0	50,8
бошқа юклар	28 856,9	51,6	104,6

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида жўнатилган юк турлари бўйича 2023 йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг айрим турларида юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Хусусан: ёғоч юклари (119,7 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (108,2 %), кўмир (108,1 %) ва бошқа юклар (104,6 %).

Темир йўл орқали жўнатилган юкларнинг умумий ҳажмига нисбатан энг катта улушини турли рудалар (12,8 %), нефть юклари (9,2 %), кўмир (8,7 %), қурилиш юклари (6,2 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (5,4 %) ва бошқа юклар (51,6 %) эгаллайди.

Ҳаво транспорти бу – ҳаво кемалари (самолётлар) ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган инфратузилмани ўз ичига олган транспорт тури: аэропортлар, диспетчерлик ва техник хизматлар.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳаво транспортида юк ташиш ҳажми 9,0 минг тоннани ташкил этиб, бу эса 2023 йилнинг мос давридаги юк ташиш ҳажми даражасига нисбатан 36,2 % га ўсишни қайд этди. Кўриб чиқиладиган даврда юк айланмаси 15,9 % га ошиб, 196,7 млн т-км ни ташкил этди.

Ҳаво транспортида жўнатилган юклар ва юк айланмасининг ҳажми (январь-сентябрь)

2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойлари давомида ҳаво транспортида жўнатилган юклар ва юк айланмаси кўрсаткичларининг ўзгариши бир мунча кенг диапазонга эга бўлди. Шундай қилиб, 2024 йил январь-сентябрь ойларида ҳаво транспортида жўнатилган юк ҳажми 9,0 минг тоннани ташкил этди ва 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан 36,2 фоизга ошди, 2023 йилнинг шу даврида — 6,6 минг тонна (12,0 % га камайиш), 2022 йилда — 7,5 минг тонна (ўсиш суръати 147,1 %), 2021 йилда 5,1 минг тонна (ўсиш суръати 144,5 %) қайд этилди. 2020 йил январь-сентябрь ойларида 3,5 минг тонна (51,0 % га камайиш)ни ташкил этган.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида мазкур транспортда юк айланмаси ҳажми 196,7 млн т –км дан иборат бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,9 % га ошди. 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида юк айланмаси ҳажми 169,7 млн т–км (26,9 % га камайиш), 2022 йилда 232,1 млн т–км (ўсиш суръати 121,7 %), 2021 йилда 190,7 млн т–км (ўсиш суръати 135,6 %) ва 2020 йилнинг январь-сентябрида 140,6 млн т–км (2,1 мартага ошди) ни ташкил этган.

Жўнатилган юклар




Юк айланмаси



Ҳаво транспортида жўнатилган йўловчилар ва йўловчи айланмасининг ҳажми (январь-сентябрь)

Жўнатилган йўловчилар

Йўловчи айланмаси




2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳаво транспорти орқали жами 5,0 млн йўловчи жўнатилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 марта ўсиш қайд этилди. 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида жўнатилган йўловчилар сони 3,8 млн йўловчини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 мартага ўсиш қайд этилди. 2022 йилда 3,0 млн йўловчи (1,4 марта), 2021 йилда – 2,1 млн йўловчи (3,0 мартага) ўсиш, аксинча 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида – 0,7 млн йўловчи (72,3 % га камайиш) қайд этилди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида ҳаво транспорти йўловчи айланмаси ҳажми 12 301,7 млн йўловчи-км (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 120,0 %), 2023 йилда 10 254,0 млн йўловчи-км (1,3 марта), 2022 йилда 7 902,8 млн йўловчи-км (2,1 марта), 2021 йилда 3 700,2 млн йўловчи-км (1,6 марта), 2020 йилда 2 354,3 млн йўловчи-км (71,8 % га камайиш)ни ташкил этган.

Ҳаво транспортида жўнатилган юк ва йўловчиларнинг ўсиши (камайиши), % да (январь-сентябрь)

Жўнатилган юк

Жўнатилган йўловчи



Ҳаво кемаларининг кечикмасдан мунтазам етиб келиши 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларидаги 94,5 % ўрнига 98,7 % ни ташкил этди. 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида 519 та авиапарвоз кечиктирилган. Халқаро ташувларда ҳаво кемаларининг мунтазам етиб келиши 4,2 ф.п. га кўпайиб, 98,7 % ни ташкил этди (2023 йил январь-сентябрь ойларида 94,5 %).

Халқаро йўловчилар сонининг ортиши Париж, Истанбул, Сеул ва Саудия Арабистонига парвозлардан ташқари, Жакарта ва Урумчига йўловчи ташиш қайта тиклангани билан изоҳланади.

Магистрал қувурлар – газни қазиб олиш ёки ишлаб чиқариш жойидан газ тақсимлаш станцияларигача бўлган узоқ масофаларга ўтказиш учун мўлжалланган қувурлардир.

Қувур йўли транспортида юк ташиш ва юк айланмасининг ҳажми, ўсиши (камайиши) (январь-сентябрь)

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида қувур йўли транспорти орқали 45,5 млн тонна газ қуйилган бўлиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 млн т ёки 3,9 % га ўсган. 2020, 2022 ва 2023 йилларнинг январь-сентябрь ойларида қуйилган газ ҳажми 2020 йилда 22,1 % га, 2022 йилда 2,1 % га, 2023 йилда 6,0 % га пасайиши кузатилган. 2021 йилда эса 16,7 % га сезиларли ўсиш қайд этилди.

Россия ва Туркманистондан табиий газ ташиш ҳажмининг ортиши 2024 йилнинг таҳлил қилинаётган даврдаги ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатди.



Шаҳар электр транспорти – энергия манбаи сифатида электр-энергиясидан фойдаланадиган транспорт тури ва тортиш электр моторидан фойдаланилади. Шаҳар электр транспортида статистика кузатуви объекти бўлиб йўловчиларни ташиш, ҳаракатланувчи таркиб, ундан фойдаланиш, йўл станциялари, транспорт ишларининг молиявий натижалари ҳисобланади. Статистика кузатуви бирлигини метрополитен, трамвай ва троллейбус корхоналари ташкил этади


2024 йилнинг январь-сентябрида шаҳар электр транспортида 192 898,0 минг йўловчи ташилиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 61,0 % юқори ўсиш қайд этилди. Ушбу транспортнинг йўловчи айланмаси 1 416,0 млн йўловчи-км ни ташкил этган бўлиб, бу 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 62,1 % га кўпдир.

Шаҳар электр транспортида йўловчи ташиш ва йўловчи айланмасининг ҳажми, ўсиши (камайтиши) (январь-сентябрь)



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида шаҳар электр транспортида жами 192,9 млн йўловчи ташилган бўлиб, шулардан метрополитенда 190,1 млн йўловчи, трамвайда 2,3 млн йўловчи ва троллейбусда 0,5 млн йўловчи ташилган. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 161,0 % ни ташкил этди (метрополитен 162,9 %, трамвай 10,8 % га камайтиш, троллейбус 4,2 % га камайтиш). Шаҳар электр транспорти бўйича йўловчи ташишнинг ўсиш суръатлари 2023 йилда 123,7 %, 2022 йилда 1,4 мартага ўсиш, 2021 йилда 2,9 мартага ўсиш, 2020 йилда эса 58,5 % га пасайиш қайд этилган. Мазкур транспорт тури бўйича йўловчи айланмасининг юқори ўсиш суръатлари 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида – 1,6 марта, 2023 йилда – 1,2 марта, 2022 йил – 1,4 мартага, 2021 йилда – 2,8 мартага ўсишни ташкил этди. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида шаҳар электр транспортида йўловчи айланмаси 182,6 млн йўловчи-кмни ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида шу кўрсаткич 1 416,0 млн йўловчи-км ни ташкил этди. Электр транспортида йўловчи ташиш (98,6 %) ва йўловчи айланмасидаги (98,5 %) энг юқори улуш метрополитен ҳиссасига тўғри келди. Шундай қилиб, метрополитенда йўловчи ташиш ҳажми 190 115,0 минг йўловчини ташкил этиб, бу эса 2023 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 1,6 мартага кўпдир. Умумий йўловчи айланмаси эса 1 394,9 млн йўловчи-км ни ташкил этди ёки 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 мартага ошди.

**Шаҳар электр транспортида йўловчи ташиш таркиби
(январь-сентябрь, % да)**



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида трамвайда 2 304,0 минг йўловчи ташилди, бу 2023 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 10,8 % га камайиш қайд этилди.

Трамвайнинг йўловчи айланмаси 8,1 млн йўловчи-км ни ташкил этди. Электр транспортида йўловчи ташиш таркибида трамвайнинг улуши 0,6 % га тенг бўлди.

Шу билан бирга, троллейбусда 479,0 минг йўловчи ташилиб, бу 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 4,2 % га пасайиш кузатилди. Троллейбуснинг йўловчи айланмаси 13,1 млн йўловчи-км ни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 4,1 % га пасайган. Электр транспортида йўловчи ташиш таркибида троллейбуснинг улуши 0,2 % ни ташкил этди.

3-БЎЛИМ. ТРАНЗИТ ТАШУВЛАР ¹⁾

Транзит ташишлар – йўловчилар, багаж, юк багажи, юк ва почта жўнатмаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳар қандай транспорт тури орқали ҳаракатланиши, агар бундай ҳаракат йўлнинг фақат бир қисмида бўлса, жўнатиш пунктлари ва йўналишлари мамлакатдан ташқарида бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтилган транзит юклар
ҳажми ва таркиби (2024 йил, январь-сентябрь)**

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтган темир йўл юк вагонлари сони 105 088 бирликни, автомобиль транспортлари сони эса 92 985 бирликни ташкил этди.




¹⁾Маълумотлар Давлат божхона қўмитасининг электрон маълумотлар базаси асосида тайёрланган

4-БЎЛИМ. ЙЎЛ-ТРАНСПОРТИ ҲОДИСАЛАРИ ²⁾

Йўл-транспорт ҳодисаси – транспорт воситасининг йўлдаги қатнови жараёнида содир бўлиб, фуқароларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юklar шикастланишига ёки бошқа тарзда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса.

Ўзбекистон Республикасида йўл-транспорт ҳодисалари сони (январь-сентябрь, бирликда)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий йўл-транспорт ҳодисалари сони 6 127 бирликни ташкил этди. 2023 йилнинг мос даврига нисбатан мазкур кўрсаткич 477 бирликка камайган (-7,2 %). Бироқ, энг катта ўсиш 2021 йилда пандемиядан кейинги даврга тўғри келди.

2023 йилнинг мос даври билан солиштирганда, 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганлар сони бўйича пасайиш қайд этилган. Шундай қилиб, 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида жароҳат олганлар (жабрланганлар) сонининг 332 нафарга (-5,4 %) камайиш қайд этилган бўлиб, бу умумий ҳисобда 5 847 нафарни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида йўл-транспорт ҳодисалари сонини таққосланиши (2024 йил январь-сентябрь, бирликда)

Тошкент	866	304	Қашқадарё
Тошкент шаҳри	853	271	Сурхондарё
Фарғона	808	219	Бухоро
Самарқанд	726	206	Жиззах
Наманган	641	186	Хоразм
Андижон	457	156	Навоий
Қорақалпоғистон Респ.	320	114	Сирдарё

²⁾ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маълумотлари базаси асосида тайёрланди

Худудий маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, республика бўйича қайд этилган йўл-транспорти ҳодисаларининг энг кўп сони Тошкент шаҳри (853 та), шунингдек, Тошкент (866 та), Фарғона (808 та), Самарқанд (726 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди (республика кўрсаткичининг 53,1 % и)ни ташкил этди.

Худудлар бўйича ушбу кўрсаткичнинг 2023 йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли пасайиши Фарғона (-186 киши), Наманган (-82 киши), Джизакской (-52 человека), Самарқанд (-46 киши), Андижон (-28 киши) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (-24 киши) қайд этилди.

Йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳат олган (жабрланган)лар сонининг ўсиши Тошкент (39 киши), Сурхондарё (37 киши) ва Хоразм (14 киши) вилоятларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасида (22 киши) кузатилди.

**Йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳат олган (жабрланган)лар
сонини худудлар кесимида таққосланиши, киши**

	<i>2023 й. Январь- сентябрь</i>	<i>2024 й. Январь- сентябрь</i>	<i>Фарқи 2024-2023 йиллар, (+,-)</i>
Ўзбекистон Республикаси	6 179	5 847	- 332
Қорақалпоғистон Респ.	290	312	+ 22
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	439	411	- 28
Бухоро	243	226	- 17
Жиззах	286	234	- 52
Қашқадарё	301	299	- 2
Навоий	162	163	+ 1
Наманган	671	589	- 82
Самарқанд	634	588	- 46
Сурхондарё	181	218	+ 37
Сирдарё	121	113	- 8
Тошкент	675	714	+ 39
Фарғона	958	772	- 186
Хоразм	152	166	+ 14
Тошкент ш.	1 066	1 042	- 24

Йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳат олган (жабрланган)лар умумий сонининг таркиби (% да)




5- БЎЛИМ. АЛОҚА ВА КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИ

Алоқа статистикаси бу – алоқа каби иқтисодий секторнинг оммавий жараёнлари ва ҳодисаларини ўрганадиган статистика фанининг бир тармоғи.

2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, ахборот ва алоқа иқтисодий фаолият турида 10 432 та корхона ва ташкилотлар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) фаолият кўрсатган. 2023 йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг сони 144 тага ошиб, 1,4 % га ўсган.

Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари, 1 октябрь ҳолатига)

Қуйидаги диаграмма маълумотларига асосан, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сонидан барқарор ўсиш суръатлари кузатилиб, 2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, уларнинг сони 1,4 % га ўсди.



Ўзбекистон Республикасида алоқа ва ахборотлаштириш
хизматларнинг ҳажми ва ўсиши (январь-сентябрь)¹




2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми (яширин иқтисодийтни ҳисобга олган ҳолда) 38 953,8 млрд сўмни ташкил этди ёки 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 % га ўсди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кўрсатилаётган хизматлар ҳажми сўнгги йилларда сезиларли даражада ошди. Демак, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида мазкур соҳада хизматлар ҳажми 9 821,6 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари натижаларига кўра ушбу кўрсаткич 29 132,2 млрд сўмга ошган.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш телекоммуникация хизматларига тўғри келади – 38,6 %.

Худудлар кесимида телекоммуникация хизматларининг ҳажми
(2024 йил январь-сентябрь, млрд сўмда)



¹⁾ 2023 йил ҳажми ва 2024 йил маълумотлари яширин иқтисодийтни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида телекоммуникация хизматлари ҳажми 15 028,4 млрд сўмга етди. 2023 йилга нисбатан ушбу хизматларнинг ўсиш суръати 113,5 % ни ташкил этди.

2024 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар кесимида кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатдики, кўрсатилган телекоммуникация хизматларининг жами хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 42,6 фоизни ташкил этиб, 6 397,5 млрд сўмга етди. Сирдарё вилоятида эса хизматларнинг жами ҳажмида телекоммуникация хизматлари 1,9 фоизни ёки 286,5 млрд сўмни ташкил этди.

Алоқа хизматлари таркиби (% да)



Тақдим этилган жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, 2021-2024 йиллар давомида мобил алоқа хизматлари ва бошқа алоқа хизматлари ўртасида нисбатан тенглик қайд этилди.

2024 йил январь-сентябрь ойларида мобил алоқа хизматлари (Интернетни кўшган ҳолда) умумий алоқа хизматларининг 49,4 фоизини ташкил этди.

2024 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони 35 497,4 минг бирликни, шу жумладан, аҳолида 29 611,5 минг бирликни ташкил этди. Ҳар 100 киши ҳисобига аҳолининг мобил алоқа билан таъминланганлиги эса 80 бирликни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасидаги мобил алоқа абонентлари сони (1 октябрь ҳолатига, минг абонент)



2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, (*Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги маълумотларига асосан*) Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 262 бирликни ташкил этди.

2024 йилнинг II чораги билан таққослаганда, таҳлил қилинаётган давр мобайнида халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказувчанлик қобилияти (3 600 Гбит/с) ўзгаришсиз қолди.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича мобил алоқа абонентлари сони
(1 октябрь ҳолатига, минг абонент)**

	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.
Ўзбекистон Республикаси	24 824,3	28 446,1	30 955,8	34 278,7	35 497,4
Қорақалпоғистон Республикаси	1 305,3	1 405,4	1 433,5	1 585,2	1 670,1
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	2 095,7	2 485,6	2 600,6	2 852,2	2 908,2
Бухоро	1 337,8	1 445,5	1 486,7	1 647,8	1 678,3
Жиззах	883,6	957,3	994,3	1 134,6	1 215,2
Қашқадарё	1 926,2	2 049,4	2 143,4	2 346,3	2 547,8
Навоий	875,6	920,8	1 000,7	1 117,0	1 132,4
Наманган	1 844,8	2 017,1	2 288,5	2 539,6	2 639,1
Самарқанд	2 313,6	2 748,4	2 923,0	3 211,7	3 329,8
Сурхондарё	1 445,4	1 545,6	1 700,5	1 941,5	1 990,8
Сирдарё	593,1	710,0	709,6	790,2	858,7
Тошкент	1 311,9	1 586,7	1 732,4	2 270,1	2 383,9
Фарғона	2 832,5	2 983,2	3 136,8	3 499,1	3 442,6
Хоразм	1 211,0	1 283,2	1 330,4	1 558,4	1 618,6
Тошкент ш. ¹⁾	4 847,8	6 307,9	7 475,6	7 785,0	8 082,0

¹⁾Тошкент вилоятининг “UNITEL” ва “RUBICON WIRELESS COMMUNICATION” ҳажмларини қўшган ҳолда

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти – аҳолини ва иқтисодиётни барча тармоқларининг йўловчилар, багажлар ва юклар, шу жумладан, почталарни автомобилларда ташишга бўлган эҳтиёжларини тижорат асосида таъминловчи транспорт.

Автотранспорт воситалари – йўловчилар, багажлар, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи-автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар.

Мавжуд автотранспорт воситалари – ташкилот балансида бўлган, техник ҳолатидан ва автомобилнинг жойлашган жойидан (таъмирлашда, хизмат сафариди, консервацияда, ижарада) қатъи назар, барча турдаги, марказдаги ва моделдаги автомобиллар сони.

Йўловчи автомобили – ўзининг тузилиши ва жиҳозланиши жиҳатидан йўловчилар ва багажларни ташишга мўлжалланган, зарур қулайлик ва хавфсизлик билан таъминланган автомобиль.

Юк автомобили – юкларни ташишга мўлжалланган, қаттиқ рамали механик йўл транспорти воситаси; юк автотранспорти воситалари фойдаланиш характери ва конструктив хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда умумий ва ихтисослаштирилган воситаларга бўлинади.

Автобус, микроавтобус – йўловчиларни ташишга мўлжалланган ва ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда саккизтадан ортиқ ўтириш ўриндигига эга бўлган, қаттиқ рамали механик йўл транспорти воситаси.

Енгил автомобиль – ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда, сифими саккиз кишигача бўлган йўловчи автомобили. Енгил автомобиллар сонига почта ташишга мўлжалланган, санитария ва бошқа махсус енгил автомобиллар қўшилмайди.

Йўналишли такси – йўловчилар талабига кўра тўхтаган ҳолда мунтазам йўналишларда йўловчилар ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси (автобус ёки енгил автомобиль).

Йўналишсиз такси – йўловчиларнинг буюртманомаларига кўра ҳисоблагич (таксометр) кўрсаткичи бўйича ҳақ тўлаш ҳисобига йўловчиларни ва уларнинг багажини ташишда хизматлар кўрсатадиган автотранспорт воситаси.

Пикап ва енгил фургон – кузови енгил автомобиль шассисига мослаштирилган, юк кўтариш қобилияти юқори бўлмаган юк ва юк-йўловчи автомобиллари.

Юк айланмаси – транспортнинг юк ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги тонна-километр ҳисобланади. Транспортнинг юк айланмаси ташилаётган юкнинг ҳар бир жўнатмаси оғирлигини уни ташиш масофасига кўпайтмасининг йиғиндиси орқали аниқланади.

Ташилган йўловчилар – маълум вақт давомида автомобиль воситаларида турли қатнов турлари бўйича ташилган йўловчилар сони (статистик кузатув бирлиги бўлиб йўловчи-қатнови ҳисобланади).

Йўловчи айланмаси – транспортнинг йўловчи ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги йўловчи-километр ҳисобланади. Ҳар бир ташиш бўйича йўловчилар сонини ташиш масофасига кўпайтмасини йиғиндиси орқали аниқланади. Қатнов турлари ва бошқа белгилар бўйича алоҳида ҳисобланади.

Ташиш масофаси – объектни жўнатиш нуқтасидан белгиланган нуқтагача ташиш (транспортда ташиш) масофаси (километрда ўлчанади).

Юкларни ташишнинг ўртача масофаси – ўртача бир тонна юк ташиладиган масофа. Бутун автотранспорт бўйича, алоҳида юклар ва қатнов турлари бўйича юк айланмасини (тонна-километрда) ташилган юклар ҳажмига (тоннада) бўлиш орқали аниқланади.

Йўловчиларни ташишнинг ўртача масофаси – ўртача бир йўловчи ташиладиган масофа. У бутун автотранспорт ва қатнов турлари бўйича йўловчи айланмасини (йўловчи-километрда) ташилган йўловчилар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Умумий босиб ўтилган масофа (километр) – транспорт воситасининг гаражга (тўхташ жойига) қайтиши ва гараждан (тўхташ жойидан) чиқиб кетиши вақтидаги спидометр кўрсаткичлари ўртасидаги бир кунлик фарқни ифодалайди. Умумий босиб ўтилган масофа, ҳисобот даври мобайнида барча фойдаланилаётган автомобилларнинг ҳар кунлик босиб ўтган масофаларини йиғиндиси орқали аниқланади.

Шаҳардаги ташувлар – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудудидан чиқмаган ҳолда амалга ошириладиган ташувлар.

Шаҳар атрофидаги ташувлар – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километр бўлган масофагача амалга ошириладиган ташувлар.

Шаҳарлараро ташувлар – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километрдан кўпроқ бўлган масофага амалга ошириладиган ташувлар, шунингдек, масофанинг узунлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг икки ва ундан ортиқ вилоятлари ҳудудида амалга ошириладиган ташувлар.

Амалдаги нархларда **алоқа ва коммуникация хизматларини ишлаб чиқариш**, мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади.

Мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони – мобил алоқа тизимларига уланган абонент радиостанциялар сони.

Халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти – бир вақтнинг ўзида узатилган ёки қабул қилинган максимал ахборот миқдори бўйича аниқланади.